Режалаш босқичида ҳамшира қўйидагиларни бажаради:

1. Устиворликни ҳал этади;
2. Bемор вазифалари ва баҳолашни ишлаб чиқади;
3. Ҳамширалик чора-тадбирларини тиклади.
4. Ҳамшира парвариш режасини ахборотини беради.

Ҳамширалик жараёнини амалга оширишда режалаш босқичида ишлаб чиқилган барча ҳамширалик тадбирлари бажарилади.

Мақсад – bemornинг саломатлик масалаларини ҳал этишга ёрдам бериш – самара ҳимояси, касалликлар олдини олиш, соғлик ва йўқотилган функциялар тикланишини енгиллаштиришдир. Бу босқичга ҳамшира bemор тўғрисида маълумотлар тўплашни давом эттиради ва зарурият бўйича режага ўзгартиришлар киритади ва қўйидагиларни бажаради:

1. Ҳамшира даволашни режа асосида бажаради.
2. Маълумотлар тўплашни давом эттиради ва зарурият бўлгандага даво режасига ўзгартириш киритади.
3. Ҳужжатлаштириш ишларини олиб боради.

Баҳолаш бу – bemор эҳтиёжларининг қондирилиш даражасини ўлчашдир. Ҳамшира ва bemор биргаликда даволаш режасида қўйилган

масалалар қанчалик ҳал этилганлигини ҳамда ижобий ёки салбий таъсирга эга бўлган омилларни аниқлашади.

Баҳолаш вақтида ҳамшира ва бемор биргаликда даволаш режасига кўра белгиланган мақсадга эришганлик даражасини аниқлайдилар. Бу босқичда ҳамшира қуидагиларни бажаради:

1. Бемор хоҳишига кўра, вазифаларнинг бажарилганлик даражасини ўлчаш;
2. Вазифаларнинг бажарилишига ижобий ёки салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;
3. Зарурият бўлса, ҳамшира парвариш режасини ўзгартиради.

Мавзу: Болаларда, катталарда, қарияларда ҳамширалиқ иши асослари ва ҳамширалиқ парвариш турлари. Касалликлар профилактикаси ва реабилитацияси(6 соат)

Режа:

1. Ўзбекистон республикасида оналик ва болаликни химоя қилиш
2. Оиласий поликлиникаларда оналар мактабини ташкил қилиш
3. ҚВПларда катта ёшдаги ва қари пациентларни парвариш қилиш
4. Терапевтик пациентлар профилактикаси ва реабилитация чоратадбирлар комплекси

Ўзбекистон республикасида оналик ва болаликни химоя қилиш

Президентимизнинг 2009 йилдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорлари мазкур йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур хужжатларнинг ижроси доирасида 2009 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб республикамизнинг барча ҳудудида ҳар ойда “Фертиль ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш” ҳафталиклари мунтазам ўtkazilmokda. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг юқори малакали мутахассислари, тиббиёт олий ўқув юртларининг етакчи профессор- ўқитувчилари томонидан туғиши ёши 20 дан 35 ёшгача бўлиши кераклиги, туғуруқ оралиғи энг камида 3-3,5 йилни ташкил қилиши зарурлиги, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини

олиш, ўз саломатлиги ва туғилажак фарзандининг соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган хасталиклардан ўз вақтида фориғ бўлишга эътибор қаратишлари лозимлиги бўйича берилаётган тавсиялар, ўз навбатида, аҳолининг тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, ўтган 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниб, маҳсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши оналик ва болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган ишлар миқёси ва қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлди. Давлат дастури асосида 2014 йил давомида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида 137 та тиббиёт муассасасида, жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, Андижон шаҳридаги тутруқ комплекси, Тошкент шаҳридаги болалар санаторийси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси бўлими ва бошқа соғлиқни сақлаш масканларида қарийб 410 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, хорижий молия институтларининг 28 миллион 500 минг долларлик кредит ва грант маблағлари ҳисобидан туман тиббиёт бирлашмалари, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, онкология муассасалари, вилоят шифохоналари замонавий даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Мамлакатимиздаги скрининг марказлари томонидан олиб борилган ишлар натижасида ўтган йилда 20 мингдан ортиқ нуқсонли бола туғилишининг олди олинди. “Соғлом она – соғлом бола” лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўриқдан ўtkazildi. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилгани бу йўлдаги катта қадам бўлди. Чунончи, қонунчиликка импорт қилинувчи ёки республикада ишлаб чиқарилувчи барча озиқ-овқат тузи маҳсулотларини йод билан бойитиш, жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳамда уни тарғиб қилиш учун маъмурий жазо чораларини белгилашга йўналтирилган қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида” қабул қилинган қарори моҳият эътибори билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга қўтаришга хизмат қилмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини

мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар, ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланишни таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирларга малакали, маҳсус ҳамда юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш борасида замонавий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган. Айни чоғда аҳолини оналар, чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни парваришлаш бўйича ўтказилаётган соғлом турмуш тарзига амал қилиш, соғлиқни сақлашнинг ахборот тизимини такомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида онлик ва болаликни химоя қилиш мақсадида ҳар ойда фертиль ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳафталиги ёки ҳар йили чекка худудлардаги аҳоли “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тибиёт марказлари ва муассасаларнинг юқори малакали мутахассислари иштирокида чукурлаштирилган тиббий кўриқдан режа асосида ўтказилмоқда.

Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш –бутун мамлакат аҳолиси саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг гаровидир. Саломатлик болалиқдан куйиб борилади, болалар саломатлиги ҳолати қандай кўрсаткичлардан аниқланиши, катталар ва бутун аҳолининг саломатлиги ундан кўп микдорда боғлиқ. Болалар саломатлигига, айниқса хаётининг биринчи йилларида аёл-оналар саломатлиги сезиларли таъсир қилишини ёддан чиқармаслик лозим. Ижтимоий-гиена танлов тадқикотлар натижалари кўрсатишича, болалар саломатлигининг тахминан 25-30% оналар саломатлиги билан, унинг интизомлилик характеристи на фақат хомиладорлик ва туғиши даврида, балки хомиладорликкача бўлган давр билан белгиланади. Антик файласуф Ликруг «халқ бойлиги соғлом аёл танасида яширинганлигига» тасодифан икрор бўлмаган.

Аёллар ва болалар саломатлигини сақлаш ва кўпайтиришда соғлиқни сақлаш тизими таркибида маҳсус тўзилган –оналик ва болаликни муҳофаза қилиш (ОБМК) тизимиға алоҳида эътибор каратилади.

Регионда болалар туғилишини ортиб бориши ёки камайиши, аҳолининг ёш таркиби ўзгариб бориши, тўлиқ бўлмаган оиласидаги болалар сонининг ортиб бориши, никохсиз тугилаётган болалар

сонининг қўпайиши билан кечадиган демографик холатларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимининг урни янада ортиб боради.

ОБМК фаолиятининг масалаларидан бири аёлларнинг касбий фаолияти ва унинг ижтимоий роли она ва турмуш урток ўртасидаги салбий таъсир қаршиликни текислаш ва тугатишдан иборат. Ҳозирги вакта Ўзбекистоннинг турли соҳаларида тахминан 40-50% атрофида аёллар меҳнат қилишмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич (Сирия, Египет)-3-17%, (Тунис, Коста-Рика, Венесуэла) -23-26% ва (Филлипин, Жанубий Корея, Тайланд) –36-44% кўрсатмоқда.

Аёлларнинг жамоат ишлаб чиқаришдаги бандлик даражаси табиийки олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар таркибида ўз аксини топади. Коидага кўра, меҳнат жараёнида бандлик даражаси юқори мамлакатларда ўқув юртларида таълим олувчи аёллар нисбатан юқорилиги кузатилмоқда.

Аёлларнинг ишлаб чиқаришда жамоат ишлари билан бандлиги жуда баланд ва пасайиш тенденцияси эга эмас. Бундан ташкари тан олиш керакки, аёлларнинг катта қисми психологияси ўзгарган, шу сабабли улар ўзларини ишдан ташкарида тасаввур кила олмайдилар. Кўпчилик ишлайдиган аёллар оиласидаги мавқеларини ошириш, эркак билан мустақил ва тенг шароитда бўлиш учун ўз ишларини асосий деб ҳисоблайдилар.

Шу билан бир қаторда унутмаслик керакки, аёллар касбий фаолиятда иштирокидан ташкари, эркаклардан фарқли равища вактларининг анча қисмини уй ишларига сарфлайдилар. кузатув натижалари кўрсатишича, аёллар бир хафтада уртacha 30 соат уй меҳнатига сарфлайдилар, бу эса эркакларга нисбатан 2-2,5 баробар кўп. Чунончи, бола канча кичик ва кўп булса аёлларнинг бола тарбиясига шунча кўп вакт талаб килинади, шу сабабли унинг уй хўжаликни юритишига кўп вакти сарфланади, буш вакти эса кам булади. Шунинг учун, жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган аёлларнинг 30%, ишлайдиган аёлларнинг 20% тўлиқ иш куни бўлмаган ёки алоҳида жадвал бўйича ишлашни хохлайдилар. Табиийки, имкон қадар қисқартирилган иш кунини алоҳида ва мактаб ёшдаги болали аёллар истайдилар.

Аёл ва оналарнинг ута қийин шароитларини хисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокларини оналик вазифалари билан кушиб олиб боришилари, усиб келаётган авлодни сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат тизими тўзилган. Бундай тизим мавжудлиги, нафақат аёл-оналар ва улар фарзандларининг саломатлигини таъминлайди, балки бутун мамлакат аҳолиси саломатлигини шаклланишида асос бўлиб ҳисобланади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими ўз ичига аёл-оналар ва болаларни ижтимоий ва иқтисодий хуқуқларини кафолатли таъминлаш, аёллар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун соғлиқни сақлаш моддий-техника базасини яратиш ва бу тизим учун ходимлар

тайёрлашни камраб олади. Аёл-оналар ва болаларга кафолатли хуқуқларни мавжудлиги аёлларга кулайликлар яратади ва давлат томонидан болалар тарбиясига ғамхўрлигини таъминлайди. Аёлларга яратилаётган кулайликларнинг муҳим асоси бўлиб, уларни жамоат ишлаб чиқариш соҳасига жалб этишдир, бу эса уларга иқтисодий мустақиллик яратади, маданий даражасини юксалишига ёрдам беради.

Ишлаб чиқариш муносабатлари кизикишларини аёллар саломатлиги ва улар фарзандлари хотиржамлиги билан боғлиқликда безарар ташкил қилиш учун бир қатор хукумат қарорлари ишлаб чиқилди ва чоп этилди.

Бундан ташкари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг бир қатор қарорлари асосида тиббиёт муассасалари ишини яхшилаш: тутурукхоналар, аёллар маслаҳатхоналари ҳамда аёллар ва болаларга хизмат кўрсатувчи бошқа ихтинослашган муассасалар ишини яхшилаш борасидаги масалаларни хал қилувчи маҳсус ишлаб чиқилган дастурлар тасдикланди.

Оналикни муҳофаза қилиш тизими аёллар томонидан бажариладиган муҳим ижтимоий вазифани – соғлом фарзанд тувиш ва уни тарбиялашга қаратилган давлат, жамоат ва тиббиёт тадбирларини ўз ичига олади.

Республика мустақиллика эришган кундан бошлаб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари давлат сиёсати тартибига киритилди ва қатор давлат дастурлари ва қарорлари кабул килинди, буларда оналик ва болаликка катта эътибор ажратилган.

- 1992 йил 8 декабрда умумхалқ оБССТ бериш йўли билан, Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси кабул килинган;

- 1996 йил 29 августда «Фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тасдикланган;

- Ўзбекистон Республикаси Мехнат қонуни кодекслари ва бошқалар.

Бундан ташкари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа вазирликлар, идоралар ва нодавлат ташкилотлар билан бир қаторда қўйидаги дастур ва қарорларни амалга ошироқда:

- 1998 йил 1 апрел № 140 «Она ва бола скрининги»;

- 2001 йил 5 феврал № 68 «Она ва бола»;

- 2002 йил 25 феврал № 32 «Аёллар ва усиб келаётган авлод саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кушимча чоратадбирлар тўғрисида»;

- 2002 йил 5 июл №242 «Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланишининг улугвор йўналишларини амалга ошириш тадбирлари тўғрисида».

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат тизими фаолияти оилада соғлом хаёт тарзини шакллантириш борасида ижтимоий-иқтисодий ва даволаш-огоҳлантириш мажмуини кулайлаштириш,

аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш, хәёт фаолияти учун яхши шароит таъминлашни амалга оширишга қаратилган. Олиб бориладиган тадбирлар мажмуи:

- аёллар гражданлик хуқуқларини гарантиялашни таъминлаш;
- турмуш кўриш ва оилани мустаҳкамлашни қонуний бажарилишини таъминлаш;
- аёллар ва усмирларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш;
- болалари бор оиласарга давлат томонидан иқтисодий ёрдам бериш;
- болалар саломатлигини саклаган ҳолда уларни тарбиялаш ва ўқитишни гарантиялаш;
- сифатли, гарантияланган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиши лозим.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимида профилактик ва даволаш фаолияти 6 босқичга ажратилади:

- 1) аёлларга хомиладорликка қадар тиббий ёрдам кўрсатиш, оналика тайёрлаш, аёллар маслаҳатхонаси, «Никоҳ ва оила» марказлари, генетик марказлари ва бошқа муассасалар фаолиятини самарасини ошириш,
- 2) аёллар маслаҳатхонасида, патологик бўлимда, ихтисослашган бўлимларда антенаталь босқичда тадбирлар мажмуасини олиб бориш,
- 3) интранаталь босқичда тугрукни кабул қилиб олиш,
- 4) Янги туғилган чакалокни саломатлигини муҳофаза қилиш, тугри овқатлантиришни ташкиллаштириш, жисмоний ривожланиши учун оптимал шароит яратиб бериш,
- 5) мактабгача бўлган даврда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ривожланиш шароитларини ва керакли иммунологик статусини яратиш,
- 6) мактаб ёшида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш.

Аёллар саломатлик ҳолати уларнинг репродуктив функциясига боғлиқ. Ижтимоий-иқтисодий шароитнинг ва ташки муҳит ҳолатининг ёмонлашуви демографик холатга ўз таъсирини кўрсатади.

Оналар саломатлигини муҳофаза қилувчи муассасалар

- хомиладорларга ёрдам кўрсатиш,
- профилактика йўли билан оналарни соғломлаштириш ва аёлларда учрайдиган турли касалликларни даволаш ишлари билан шуғулланади.

Хомиладор аёллардаги касалликлар таркибида анемия (35,8%), кечки токсикоз (15,9%), буйрак патологияси (13,8%), кон айланаси тизими касалликлари (8,7%) устун туради. Тугрук ва тугруқдан кейинги даврда асортларни юзага келишига сабаб буладиган касалликларга анемия, кечки токсикозлар, сийдик йўли касалликлари, кон айланиш тизими касалликларини киритиш мумкин.

Кўп холларда тугрук даврида юзага келадиган асоратлардан тугрук фаолиятидаги нуқсонлар, йўлдош кучиши натижасидаги кон кетишлар, сепсислар, жинсий аъзо тегишининг ёрилишлари кузатилади.

Хомиладор аёлларнинг юқори даражада касалланишлари, иммунитетларини пасайиб кетиши, тўлиқ овқатланмасликлари, стресслар, экология, abortлар асоратлари оналар ўлимига сабаб булмоқда.

Ўзбекистонда оналар ўлими 2005 йилда 100 000 тирик туғилганларга нисбатан 30,1 ни ташкил қилди, оналар ўлими таркибида хомилалик ва тугрук даврида кон кетиш, токсикоз, бачадондан ташкаридаги хомилалик, тугрук пайтида сепсис ваш у каби хомилалик ва тугрук асоратлари устун туради.

Оналар ўлимини камайтириш мақсадида хомиладорларга, тугувчи ва туккан аёлларга даволаш-профилактик муассасалар эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда тиббий ёрдам бошқарув тизимини тадбик этиш керак. Бу жараён оналар ва янги туғилган чакалокларни жисмоний ва руҳий манфаатларига хос замонавий перинатал тенологияларни қўллашга ёндашиши лозим.

Асосий диккатни йил сайин ортиб бораётган гинекологик касалликларга қаратиш даркор. Гинекологик касалликлар ичida бачадон буйинчasi эрозияси, бачадон лиромаси ва яллигланиш касалликлари устун туради.

Гинекологик касалликларнинг муаммоси хомилани сунъий тухтатиш ва бепуштлик билан боғлиқдир. Бу асосан яллигланиш касалликлар туркумiga киради.

Аёлларни касбий фаолияти - акушер-гинекологлар, гигиенистлар, физиологлар, соғлиқни сақлашни ташкиллаштирувчилар учун касбда таъсир этувчи омилларни, аёлларнинг болалик ва генератив функциясига ҳамда иш фаолиятига таъсирини ўрганишни асосий вазифа қилиб белгилайди.

Гинекологик касалликларининг ижтимоий ахамияти шундан иборатки, улар аёллар ва болалар саломатлигининг бошқа кўрсаткичларига хам— оналар ўлими, болалар, гўдаклар ва перинатал ўлимига таъсир этади.

Гинекологик касалликларни эрта аниқлаш мақсадида аёллар маслаҳатхонаси йилига 2 марта аёлларни тиббий курикдан ўтказиши, диспансер назоратга олиши ва тўлиқ даволаши ҳамда ўз вактида иш фаолиятини бошлашини таъминлаши лозим. Гинекологик касалликларни олдини олиш учун профилактика ишлари болалик давридан бошланиши керак.

Шундай қилиб, фертил ёшидаги аёллар саломатлик индексини паст даражадалиги, юқори даражада гинекологик касалликларини тарқалганлиги шифокорлар, иктисадчилар ва жамоатчилар олдига аёллар ва оналарнинг жамоий ва меҳнат фаолиятларини юксалтириш ҳамда даволаш-профилактика хизматини барча усуулларини

такомиллаштириш борасида бир қатор муммоларни хал этиш вазифаларини күяди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кенг микёсда даволаш-профилактика муассасалари, аёллар маслаҳатхонаси, болалар поликлиникаси, тугруқхоналар, болалар касалхонаси, мактабгача муассасалар, санаториялар таъминлайдилар. Оналар ва болаларга кўрсатиладиган профилактик, даволаш ва реабилитация ишлари давлат қонунлари билан кафолатланади. Қонун аёлларга ўз хошишлари билан она бўлиш хуқуқини беради.

Аёллар саломатлигини муҳофоза қилиш приоритет йўналишга эга. Бундай йўналиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат ижтимоий политикаси фаолияти,
- тугрук кабул қилувчи муассасалар материал базасини мустаҳкамлаш,
- юқори малакали кадрлар билан таъминлаш,
- аёллар саломатлигини муҳофоза қилишда соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини юксалтириш.

Ҳозирги даврда аёллар саломатлигини муҳофоза қилиш хизмати қийин иқтисодий шароитни босиб утмоқда.

Аёллар саломатлигини муҳофоза қилиш борасида кабул килинган мақсадли дастурлардан қўйидагиларни ажратиш мумкин:

- «Оилани режалаштириш»
- «Оналик бўлиш хавфсизлиги».

Келажакда оналар саломатлигини муҳофоза қилишни ривожлантиришда қўйидаги асосий йўналишларга эътибор бериш даркор:

1. Оилани режалаштириш бўйича хизматни кенгайтириш,
2. Физиологик ва патологик хомиладорлик, тугрук жараёнларини стандартлаштириш,
3. Тугрук кабул қилувчи муассасаларда рухан яхши шароит яратиш,
4. Янги туғилган чакалок билан яқин кариндошлар мулокатини ўрнатиш,
5. Кукрак сути билан овқатлантиришда саломатликнинг юқори кўрсаткичларига эришиш.

Соғлиқни саклш тизимида оналар ва болаларни муҳофоза қилишга қаратилган тадбирларни самарали бажарилиши учун қўйидагилар:

1. Яқин ва ўзок вактга мулжалланган она ва бола саломатлигини муҳофоза қилиш хизматининг мақсадли дастурларини режалаштириш;
2. Келажак мақсадларига эришиш борасида технологияни тугри танланиши;
3. Хаар бир ишчининг мажбурият ва вазифаларини тўлиқ ёритиб берилиши;
4. Бошқарув бўлимлари ва хизматининг таркибий қисмлари;
5. Бошқарув даражасида ахборотлар билан таъминланиши;

6. Кабул килинган қарорларни назорат қилиниши лозим.

Оилавий поликлиникаларда оналар мактабини ташкил қилиш

Оилавий поликлиникаларда оналар мактабини ташкил этиш ҳомиланинг соғлом туғилишига замин яратади. Соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилади. Ҳомиладор аёлнинг туғруққача бўлган даврини бешикаст ўтказишида умр йўлдоши билан бир қаторда ёнидаги яқин кишилар ҳам бирдек масъулиятли. Ўзбекистон Республикасида она ва бола саломатлигини таъминлаш, соғлом фарзандлар дунёга келишига ҳисса қўшиш мақсадида муассаса қошида “Ёш оналар мактаби” фаолияти йўлга қўйилган.

– Маълумки, инсоннинг репродуктив саломатлик муҳофазасини онанинг ҳомиладорлик давридан бошлиш мақсадга. Шу мақсадда поликлиникаларда акушер-гинекологлари билан туғруқ ёшидаги ҳамда ҳомиладор аёллар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб туриши лозим. Репродуктив саломатлик инсоннинг насл қолдиришга лаёқатли давридаги саломатлигидир. Жумладан, ҳомиладор аёлларнинг бу даврда рационал овқатланиши, шахсий гигиенага қатъий амал қилиш, ўз вақтида дам олиш, тўйиб ухлаши, тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтиши (жумладан, гинеколог қўриги), белгиланган кун тартибига риоя этишларини, хафтада уч марта ҳомиладорлик давридаги махсус енгил машқларни бажариб туришларини тушунтирилади. Чунки, бўлажак фарзандларнинг тўрт мучаси соғлом бўлиб туғилишларида онанинг саломатлиги муҳим аҳамиятга эга. Кутимаганда улар организмида кечеётган юқумли грипп ва ЎРВИ (ўткир респиратор вирусли инфекциялар)ни ўз вақтида даволатмаслик ва антибиотикларни пала-партиш ичиши ҳомиланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, унинг туғма нуқсонлар билан туғилишига сабаб бўлади. У турли вируслардан ўзини ҳимоя қилиш учун иммунитетини кўтариши шарт. Бунда албатта аёлнинг умр йўлдоши ҳамда яқин кишилари ҳам бирдек масъулдирлар. Улар оғир юк кўтариш, ортиқча руҳий ва жисмоний зўриқиши ҳомиладорлар учун зарарли эканини тушунган ҳолда унга суюнчик бўлишлари керак. Ҳомиладор аёлларга айниқса, кундалик овқатланиш рационида етарли миқдорда витамин, минерал моддалар ва кам миқдорда углевод, ёғлар бўлиши лозимлигини уқтириплади. Ҳомиладорлик даврининг қийин кечишига баъзан ҳомиладорлик токсикози ҳам сабаб бўлади. Бу ҳолатни бўлажак она организмидаги мавжуд хасталиклар қўзғайди. Токсикозларнинг ilk ва кеч турлари мавжуд. Бундай пайтда бўлажак оналар барвақт аёллар маслаҳатхонасига мурожаат этиб мутахассислар тавсиясига риоя

қилишлари муҳимдир. Илк токсикозлар ана шу жараёнда тез ўтиб кетади. Лекин бальзида ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида кеч токсикозлар ҳам кузатилади. Буйрак фаолиятининг сусайиши билан кечадиган нефропатия, преэклампсия ва эклампсия юзага келиши мумкин. Уларнинг олдини олиш мақсадида бўлажак оналардан мутахассисларнинг маҳсус тавсияларига амал қилиш талаб этилади.

Ҳомиладорлик даврида тиш ва милкларнинг кўпроқ заарланиш ҳолатлари ҳам учрайди. Она организми икки жон – бўлажак фарзанди учун ҳам фаолият юритади. Айниқса, ҳомиланинг суюк тизими ривожланиши учун кўпроқ кальций моддаси зарур бўлади. Таркибида кальций моддаси мавжуд сут ва сут маҳсулотлари – творог, пишлок, йогурт, балиқ, дуккаклилар, гуруч, қора нон каби маҳсулотлар уларнинг овқатланиш рационида бўлиши шарт. Ҳомиладорликнинг сўнгги босқичида қон босими ошмаслиги учун ўз вақтида витамин ва минералларга бой маҳсулотлар билан озиқланиш, парҳезга риоя қилиш, зарур бўлса маҳсус жисмоний машқлар билан шуғулланишимизга улар бош-қош. Оёқ вена-томирларида варикоз (веналарнинг яллиғланиб, кенгайиши)нинг олдини олиш мақсадида уй шароитида амалга ошириш мумкин бўлган қатор тавсиялар берилади. Она сутининг аҳамияти борасида ҳам тушунтириш ишларини олиб боришади. Аёл ўз соғлигини тиклаб олмай туриб яна тез-тез ҳомиладор бўлса, она ва бола ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Чунки, туғруқлар оралиғи камида уч йил бўлиши керак. Шу вақт оралиғида она организми анча тикланади. Яна бўлажак ота-оналар ўзларининг соғлиғига, оиланинг иқтисодий шароитига ҳам қараб фарзанд қўришни режалаштирсалар тўғри бўлади. Ҳомиладорлик даври асоратсиз кечиши, она ва боланинг саломатлиги мустаҳкам бўлиши учун Республикаизда тиббиёт ходимлари навбатнавбат аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширмоқдалар.

Оналикни муҳофаза қилиш муаммоларини хал этувчи муассасалар

Аёлларга акушер-гинекологик ёрдам амбулатория ва стационар типидаги ихтисослаштирилган муассасаларда кўрсатилади. Бундай муассасаларга тугруқхоналар, аёллар маслаҳатхонаси, умумий касалхоналарнинг тугрук ва гинекологик бўлимлари, гинекологик касалхоналар, врачлар малакасини ошириш институтлари, акушерлик ва гинекологик илмий текширув институтлари киради.

Аёлларга кўрсатиладиган тиббий хизматнинг асосий тамойиллари:

1. Давлат характерга эгалик - аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш давлат томонидан қонуний кафолатланиши, давлат тизимида тадбирлар олиб борилиши, мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиши,

2. Бирлашиш принципи – бу оналикни муҳофаза қилишда амбулатория-поликлиника ва стационар муассасалари фаолиятини биргалиқда ташкил қилиниши,

3. Ўзвий боғлиқлик принципи – тугрукхона, аёллар маслаҳатхонаси ва болалар поликлиникаси орасидаги боғлиқлик,

4. Алмашиб ишлаш принципи – шифокорларнинг уйда, амбулаторияда ва стационарда bemorlarни кўриш,

5. Ижтимоий ҳимоя принципи – БССТ ҳимоя-қонуний хужжатларига таянган ҳолда оналар саломатлигини муҳофаза қилишни қонуний ҳимоялаш,

6. Участкалилик принципи – оналар саломатлигини муҳофазалашда муассасалар фаолиятини ташкил қилишдаги асосий принципдир. Акушер-гинекологик участка 3000-4000 аёлларни камраб олади (3300 аёллар 15 ёшдан юқори) ёки 0 ёшдан бошлаб кекса ёшгача 6000 аёллар, булардан 2000-2100 фертил ёшидаги аёлларни ташкил этади. Оналар саломатлигини муҳофаза қилиш муассасаларининг асосий иш услуби диспансер услубидир.

Аёлларга даволаш-профилактик ёрдам кўрсатувчи асосий муассасаларга киради:

- аёллар маслаҳатхонаси,
- тугрукхоналар,
- акушерлик комплекси,
- илмий-текширув институтлари ва олий ўқув юртларининг гинекологик ва тугрук бўлимлари,
- кўп ихтисосли касалхоналарнинг акушер-гинекологик бўлимлари,
- акушерлик ва гинекологик илмий текширув институтлари,
- перинатал маркази,
- тиббий-санитария қисмларнинг гинекологик ва аёллар маслаҳатхонаси кабинетлари,
- поликлиналарнинг кўриш хоналари,
- «Никоҳ ва оила» маслаҳатхоналари,
- оилани режалаштириш маркази,
- хомиладорлар санаторияси,
- скрининг марказ

ҚВПларда катта ёшдаги ва қари пациентларни парвариш қилиш.

Қишлоқ врачлик пункти (кейинги ўринларда ҚВП деб аталади) тегишли худудда қишлоқ аҳолисига врачнинг дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатишига мўлжалланган даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланади. ҚВП қишлоқ жойларда аҳолининг жойлашиш тизими, аҳоли пунктлари сони ва йирокда жойлашганлиги, хизмат кўрсатиш доираси, йўл тармоғи ривожланганлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари хусусияти

хисобга олинган ҳолда ташкил этилади. Хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонига қараб ҚВП: 1500 кишигача хизмат кўрсатадиган - биринчи типда; 1500 кишидан 3500 кишигача хизмат кўрсатадиган - иккинчи типда; 3500 кишидан 6000 кишигача хизмат кўрсатадиган - учинчи типда; 6000 кишидан 10000 кишигача хизмат кўрсатадиган - тўртинчи типда бўлиши мумкин.

ҚВП врачларининг штатдаги таркиби сони ҚВП типига ва хизмат кўрсатиладиган аҳоли сонига қараб белгиланади. ҚВП давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, мустақил юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, ҚВПнинг тўлиқ номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

ҚВП фаолиятининг мақсади ва вазифалари: умумий амалиёт врачи ва оилавий тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш принциплари асосида қишлоқ аҳолисига сифатли дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш ҚВПни ташкил этиш ва унинг фаолияти мақсади ҳисобланади. қишлоқ аҳолисига ҳам алоҳида мижозлар, ҳам бутун оила даражасида энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш бўйича тиббий хизматлар кўрсатиш, ўз вақтида тиббий маслаҳат бериш, кам учрайдиган касалликлар, ёхуд касаллик кечишининг оғир ва типик бўлмаган вариантлари ҳолатида мижозларни кўрсаткичлари бўйича шифохонага ётқизиш учун ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига йўлланма бериш, диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ хизмат кўрсатилаётган ҳудуд аҳолисига шифохонага ётқизилгунга қадар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, хизмат кўрсатиладиган аҳоли ўртасида касалланиш, жароҳатланиш, ногиронлик ҳамда ўлимнинг олдини олиш ва камайтириш тадбирларини амалга ошириш, касалликларни аниқлаш, ижтимоий аҳамиятли касалликларга, шу жумладан сил, тери-таносил касалликлари, хавфли ўсмалар, ОИТС ва ОИВ инфекциясига қарши кураш бўйича тадбирларни амалга ошириш мақсадида биринчи навбатда болалар, ўсмиirlar, бола туғиши ёшидаги аёллар, ёлғиз, кекса кишилар, ногиронлар, сурункали касалликларга чалинган bemорларни текшириш учун олдини олиш ва мақсадли тиббий текширишларни ташкил этиш. Кекса bemорлар шундай хусусиятларга эга бўлишадики, бу хусусиятлар улар билан мулоқатни енгиллаштириши ҳам, оғирлаштириши ҳам мумкин. Уларда таъсирланиш, кўриш, эшитиш пасайган бўлиши мумкин. Улар кўпинча сурункали ҳасталикларга чалинган бўлади, бу касалликлар уларга ноқулайликлар тугдиради, ҳаракатни чегаралайди. Кекса bemорлар ўзларидаги касаллик белгиларини айтмаслиги мумкин, баъзилари буни овоз чиқариб айтишдан қўрқанликларидан, бошқалари даво нархи ошиб кетишидан

ёки ташхис ва даволаш муолажалари билан боғлиқ бўлган нокулайликлардан қутулиш учун айтмасликлари мумкин. Учинчилари, ўзидаги касаллик белгиларини қариликнинг намоён бўлиши, деб тушунади ёки эсларидан чиқариб қўяди. Кекса bemорлар ўзлари ҳақида, ёшларга нисбатан секинроқ гапиришади. Саволларга жавоб беришлари учун уларга кўпроқ вақт ажратинг. Шошмасдан ва овозни кўтармасдан гаплашинг. Иложи бўлса, сизни ҳеч нарса чалғитмайдиган, шинам, тинч хонада суҳбатлашинг. Ҳамма нарсани бирданига якунлашга ҳаракат қилманг. Бир нечта суҳбат нисбатан толиктирмайдиган ва унумдор бўлиши мумкин. Ўрта ёшга етиб, инсон ўз ёшини янада кўпроқ англай бошлайди. Улар ўз умрларини яшаган йиллари билан эмас, умрларининг қанчаси қолгани билан ўлчай бошлашади. Ўтмишни эслаб, аввалги хурсандчиликлар, мажаролар, афсусланишлар ҳақида фикр юритишга мойиллик пайдо бўлади. Беморнинг ўз умри ҳақидаги гапларини эшитиб, уни яхшироқ тушуна оласиз ва касаллик ташвишларини енгишида ёрдам бера оласиз. Кексаларга нисбатан умумлаштириш мақсадга мувофиқ бўлса ҳам, улар сиз ўзингизни бир хил тахлитда тутишингизнинг сабаби бўлиши мумкин, сизга уларнинг индивидуаллигини тушунишингизга халақит бериши мумкин. Беморнинг аввалги касаллик тажрибасини ва интилишларини аниқлашга ҳаракат қилинг. Аввалари касаллик хуружи билан қандай курашганини билиб олинг. Чунки, у ҳозирги вазиятда ҳам ўзини аввалгидек тутиши мумкин, буларни билишингиз вазиятни тушуниб етишга ёрдам беради. Бемор ўзининг аҳволини қандай баҳолайди, ўзига, ёшига қандай муносабатда эканини аниқлаб олинг. “Айтингчи, сизни энг кўп нима хурсанд қиласди, нима безовта қиласди, ўзгартириш имкони бўлса, ҳаётингизда нимани ўзгартирган бўлардингиз?”. Кексалардан, шунингдек сурункали касалликлари бор барча кишилардан, улар кундалик турмушда ёрдамга муҳтожмилар, қандай юрадилар, овқатланадилар, кийинадилар, ўзларини парвариш қиласилар, ванна ва ҳожатхонадан қандай фойдаланадилар; пешоб ва најас тута олмасликларидан, тез-тез йиқилишларидан шикоят қиласиларми; телефондан фойдаланишадими, харид қилиш учун ўзлари боришадими, овқат пиширишадими, хўжалик юритишадими, машина ҳайдашадими ёки транспорт воситасидан фойдаланишадими, тўловларни тўлаш бўйича молиявий хисобларни юритишадими; зинадан чиқишига қийналишадими; магазин, банк узоқда жойлашганми; шахсий ҳавфсизлиги безовта қиласидими, ким ёрдам бера олади деган саволларни ишлатинг. Бу сизга уларни яхшироқ тушуниш ва парвариш қилиш

имкониятини яратади, ундан ташқари бемор ҳолатини динамикада кузатишга ва баҳолашга имкон беради.


Терапевтик пациентлар профилактикаси ва реабилитация чора-тадбирлар комплекси

Терапия тиббиётдаги алоҳида йўналиш ҳисобланиб, ички касалликларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганади, ташхис қўяди ва олдини олиш чора-тадбирларини белгилайди. Киши қайсиидир ҳолатда ўзини беҳузур сезса, нимадир безовта қилса, даставвал терапевтга учрашиш тавсия қилинади. Унинг маслаҳати ва йўл-йўриғи билангина бемор мутахассис-шифокор хузурига кириб боради. Ички касалликларнинг йирик қисмини ўз ичига оладиган терапия соҳасини ривожлантириш, беморнинг аҳволини енгиллаштириш, даволашнинг энг мақбул ва безарар вариантларини қўллаш соғлиқни сақлаш тизимида долзарб масалага айланган. Тиббиётнинг қайси йўналиши бўлишидан қатъи назар, эрта ташхислашни мукаммаллаштириш, бемор организмига зарар етказмайдиган самарали даволаш усусларидан фойдаланиш, даволашда функционал – қайта тиклаш ва реабилитацияда янги технологияларни татбиқ этиш масалаларига жиддий эътибор қаратилиши керак. Соғлом турмуш тарзи орқалигина инсон саломатлигини сақлашда ижобий натижага эришиш мумкин. Ички касалликларни даволаш бўйича ҳар қайси даволаш муассасасида тажриба тўпланган, кадрлар малакаси оширилмоқда, соҳага энг сўнгги русумдаги замонавий технологиялар кириб келмоқда. Биз бу имкониятлардан фақат ўз билим, тажриба ва ақл-заковатимизни ишга солибгина унумли фойдаланишимиз мумкин. Соғлом турмуш тарзининг талаблари ва касалликларнинг олдини олиш Турмуш тарзи — аниқ шароитдаги диалектилс тушунчалар ҳосиласи б ўлиб, инсоннинг аниқ жамиятда, муҳитда ифодаланганд ҳаёт, меҳнат, дам оУш ва хотсазоларини ўз ичига олган тушунчадир. Унинг тарлиибий қисмларига

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ (таркибий қисмлари)

- 1. УНУМЛИ МЕҲНАТ ҚИЛИШ.**
- 2. ФАОЛ ДАМ ОЛИШ. •**
- 3. Т ўғРИ (РАТСИОНАЛ) ОВҚАТЛАНИШ.**
- 4. БАДАНТАРБИЯ ВА СПОРТ БИЛАН ШУ ғУЛЛАНИШ.**
- 5. ОРГАНИЗМНИ ЧИНИҚТИРИШ.**

6. ШАХСИЙ ВА ПСИХОГИГИЕНА ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШ.
7. ЁМОН ОДАТЛАРДАН ўЗИНИ ТИЙИШ.
8. ҲАР ЙИЛИ ДИСПАНСЕР К ўРИГИДАН ўТИШ.



Диспансеминг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Хизмат доирасида касаллиидар профилактикаси ва давоси буан сиуу түлланиш.
2. Консультациялар ўтказиш.
3. Соҳаси б ўйича касалланиш ва ўлим сабабларини ўи қганиш.
4. Умумий тармоқ шифокорларига ташкилий-услубий ёрдам к ўрсатиш.

Соғлом турмуш тарзи аҳоли саломатлигига жуда катта таъсир к ўрсатади. Аҳом орасида тиббий билимларни тар ғиб қилишда, со ғлом турмуш тарзини намоён қилиш ва касалликларнинг олдини оҲшда соғлиқни сақлаш муассасалари, давлат ва жамоат, маданият ва матбуот ташкилотлари ҳамкорликда иш олиб боришлари зарур.

Саломатликни сақлаш ва кузатишнинг фаол тури диспансеризатсия — аҳолини ялпи тиббий к ўрикдан ўтказиш ва узлуксиз назорат остига олишдир. Диспансеризатсия даво-профилактика усулларидан бири б ўиб, касалликка барвақт ташхис қ ўишиш мақсадида беморларни ва шифокор кузатувига муҳтож кишиларни текшириб аниқлаш, аҳолининг муайян гурухлари ва бемориарни маҳсус ҳисобга олиб, улар соғиини кузатиб бориш; касалликлар ва улардан қоладиган асоратларнинг олдини олиш; беморларнинг соғлиғи ва меҳнат қобилиятини тезроқ тиклаш учун ўз вақтида даво ва профилактика тадбириари ўтказиш; диспансер ҳисобида турган кишиларнинг меҳнат ва турмуш ша-роитларини ўрганиш ва касалликлар к ўпайишига имкон берадиган омиллами бартараф этишни ўз зиммасига олади.

Аҳоли диспансеризатсиясида қатнашувчи муассасаларнинг уч тури мавжуд.

И. Амбулатор—поликлиник муассасалар: ФАП, шифокор амбулаториялари, тиббий б ўлим, МСК, участка поликлиникаси.

II. Ихтисослашган диспансерлар—кардиология, онкология, теританосил, буқоққа қарши, наркология, психоневрология ва бошқалар (4-схемага қаранг).

III. Вилоят ва республика касалхоналари, ихтисослашган марказлар, тиббиёт ва илмий текшириш институтларининг шифохоналари.

Оғир сурункали касалликлар (сил, юрак-томир касалликлари, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси касаллиги ва бошқаиар), шунингдек айрим соғлом кишилар, чақалоқлар, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар, 14-18 ёшдаги ўсмиirlар, хунар техника билим юртлари ўқувчилари, ҳомиладор аёллар, спортчилар, шахтёрлар ва заарли ишларда ишловчилар, ҳарбий хизматчилар, механизаторлар, сут соғувчилар ва бошқа касбдаги кишилар мунтазам диспансер қузатувида бўладилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Беморни текшириш усуллари тартибини айтинг.
2. Сураб-суриштириш қандай олиб борилади?
3. Куздан кечириш тартиби.
4. Палпация усули ахамияти нима?
5. Палпацияни утказиш коидасини тушунтириб беринг.
6. Перкурсиянинг ташхис қўйишдаги ахамияти канака?
7. Хар хил аъзолардаги перкутор товушни таккослаш усуллари.
8. Упка, юрак, буйрак, жигар, талок топографиясини аниклаш.
9. Аускультация ва унинг ахамияти нимада
- 10.Болаларда, катталарда, қарияларда хамширалик парвариш турлари
- 11.Касалликлар прогфилактикасида хамшираўрни
- 12.Касалликлар реабилитациясида хамширанинг вазифалари
- 13.Соғлом турмуш тарзининг асосий тамойиллари
14. Хамширалик бирламчи қўриги қандай ўтказилади
15. Хамширалик иккиламчи қўриги қандай ўтказилади
16. Бемордан субъектив ва объектив маълумот туплаш тартибини айтиб беринг
- 17.Терини кўздан кечиришнинг диагностик ахамияти
- 18.Черноруцкий томонидан таклиф килинган тасниф кабул килинган тасниф бўйича нечта тана конституция мавжуд, уларни сананг
- 19.Болаларда, катталарда, қарияларда хамширалик парвариш турлари
- 20.Касалликлар профилактикасида хамшира ўрни
- 21.Касалликлар реабилитациясида хамширанинг вазифалари
- 22.Соғлом турмуш тарзининг асосий тамойиллари

ГЛОССАРИЙ

Оила - турмуш қурган, мустақил хаё кечираётган эр-хотин ва уларнинг фарзандлари мажмуидан иборат жамиятнинг бир бўлаги

Оилани режалаштириш- оиласда болалар туғилиши, улар сонини ва фарзандлар оралиғидаги муддатни бошқариб бориш

Оналик – инсон наслини давом эттиришга мослашган аёл организмининг асосий биологик фаолияти, функцияси

Олавий поликлиника – муайян оиласдаги катталар, аёллар, хамда болаларгатурли хил мутахассисликлар бўйича тиббий хизмат кўрсатувчи муассаса

Оила шифокори – ўз ихтисослиги ёки умумихтисосолик бўйича профилактик ёрдам кўрсатиб, лозим бўлганда тегишли ихтисослик бўйича хизмат кўрсатувчи шифокор.

Оила хамшираси – хамшира вазифасини тўла мустақил адо этадиган тиббиёт ходими

Скрининг – яшириш, туғма наслий нуқсонларни иниқлаш бўйича ахолининг кенг қатламли текшируви

Оғиз сути – сариқ ёки кулранг-сариқ рангдаги елимсимон, қуюқ суюқлик, ҳомиладорликнинг охирида ва туғруқдан кейин биринчи 3 кунида ажралади.

Гипогалактия – лактация вақтида сут безлари ажратиш функциясининг камайишига айтилади.

Қўшимча овқат бериш – эмизикли болаларга овқат маҳсулотлари ва суюқликларни кўкрак сутига қўшимча равишда беришга айтилади.

Оралиқ давридаги овқат – бу маҳсус қўшимча овқат бўлиб, эмизикли болани физиологик ва специфик овқатга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун қаратилган.

Репродуктив саломатлик – репродуктив тизим ва унинг фаолиятига боғлиқ масалаларда фақат касаллик ва камчиликлар йўқлиги бўлибгина

қолмай балки түлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий муваффақиятлар холатидир.

Патронаж - Хомиладор аёлларни, 5 ёшгача бўлган болаларни, янги туғилган чақалоқлар ва қарияларда доимий патронаж кузатувини ўтказиш, шунингдек диспансер назорати остида турган беморларни врач кўрсатмасига асосан кузатиш, болаларни қўкрак сути билан боқиш ва оилани ратсионал овқатланишини назорат қилиш.

Антенатал патронаж – бола туғилиш давригача олиб бориладиган патронаж.

Постнатал патронаж – бола туғилгандан кейинги патронаж.

Белги – у ёхуд бу касалликка ёки патологик холатларга хос булмаган, аммо улардан, уларда кечаётган жараёнлардан нишон берувчи даракчи.

Бемор – касалликка чалинган, бетоб одам.

Беморни текшириш – bemorning узига хос хусусиятларни ойдинлаштириб олиш.

Бутунлай согайиш - касаллик мобайнида издан чиккан функсияларнинг , шунингдек, ташки мухитга мослашиш ва меҳнат килиш кобилиятининг Тула тикланиши.

Хамшира - ДПМда шифокор раҳбарлигида ишловчи урта маҳсус маълумотли мутахассис ходим.

Олий маълумотли хамшира - ДПМда шифокор раҳбарлигида ишловчи олий маҳсус маълумотли мутахассис ходим.

Согломлик – касаллик ва нуксонлар юклиги Билан бирга, жисмоний, рухий, маънавий соглом булишлик.

Пархез – беморларнинг дардларига мувофик келадиган озик – овкатлар ва унинг турлари, истеъмол килиш микдори хамда тартиб – соатлар ифодаси.

Зурайиш - бир маромда кечётган касалликнинг ёки унинг белгиларининг кучайиб кетиши ёки янгиларининг пайдо булиши.

Йўлланма - бир тиббиёт муассасасидан иккинчига консултатсияга, текширишга, ётиб даволанишга юборилаётган одамга берилган расмий хужжат.

Анамнез - bemor узидан ёки уни биладиган кишилардан сураб-суриштириш оркали олинган маълумотлар мажмуи.

Иммунитет – организмнинг антиген хусусиятига эга булган юкумли ва юкумсиз агент хамда моддалардан химояланиш лаёкати.

Оғиз сути – сариқ ёки кулранг-сариқ рангдаги елимсимон, қуюқ суюқлик, ҳомиладорликнинг охираша ва туғруқдан кейин биринчи 3 кунида ажралади.

Репродуктив-қайта тиклаш

Диспансеризация-режа асосидаги тибллий қўрик